

Олтинхон тўранинг номи мусулмон Шаркида машхур. Зеро, у асрлардан бўён Мовароуннахрда ривож топган ислом дини илмий анъаналарини изчиллик билан хорижда давом эттирган улуг инсондир. Ватандош олимларимиз хакида биз тўплаган маълумотлардан мукаммалроги ушбу зот хакидадир. Олтинхон тўранинг номи мусулмон Шаркида машхур. Зеро, у асрлардан бўён Мовароуннахрда ривож топган ислом дини илмий анъаналарини изчиллик билан хорижда давом эттирган улуг инсондир.

Сайид Махмудхон Сайид Назирхон ўгли Тарозий 1895 йили Жанубий Козогистоннинг Ўзбекистонга туташ кадимий Тароз (хозирги Жамбул) шаҳрида таваллуд топган. Тароз ушбу минтакада кадимдан ривожланган машхур шаҳарлардан хисобланиб, халкаро савдода хам ўз номига эга бўлган, шунингдек, Мовароуннахрдаги машхур диний марказлардан бири хисобланган. Кейинчалик шаҳарнинг номи ўзгариб «Авлиё ота» деб аталган. Сайид Махмудхоннинг насаби Ўзганда ўтган Иликхонларга бориб такалади. Бобурнинг ёзишича, «Фаргона вилоятида бу табака муктадо ва шайхулислом ва кози бўлиб келишган». Оталари Сайид Назирхон тўра катагон йилларидан олдинок хибсга олиниб, бедарак кетган.

Сайид Махмудхон ёшлигиданок ноёб истеъоди ва ўткир кобилиятига эга бўлган. Хоғиз ва Саъдий асарларидан кўп нарсаларни ёд олган, шунингдек, Куръон тиловатига хам мохир бўлган. У киши Тошкентдаги Кўкалдош, кейинчалик Бухоро мадрасаларида ўқиди, араб ва форс тилларини пухта эгаллади.

У кишининг Маккадаги шогирдларидан Мухаммад Косим Аминнинг гувохлик беришича, Сайид Махмудхон 1917 йили юз берган сиёсий бесаранжомликлардан кейинги йиллари она шахри Авлиё отада мактабдорлик килган. Сўнгра шаҳардаги мадрасада мударрислик вазифасига тайинланган. Олим сифатида шуҳрат топиб, номи атрофдаги Туркистон, Чимкент, Сайрам, Марки томонларда хам машхур бўлиб кетган.

Сўнгра юртда бошланган сиёсий парокандалик туфайли кўп уламолар катори, Сайид Махмудхон Тарозий хам таъкиб остига олинади. Бир муддат Фаргона водийси шаҳарларида яшириниб юради, бошпана излаб, Андижонга хам келади. Ўша йиллардаги ёшгина мулла йигит Абдулаҳад Азизов (шоир Анисий) у кишини кўрган ва сухбатини олган. Унинг айтишича, 20-йиллари Сайид Махмуд Тарозий кундузлари кабристонда яшириниб ётар, тунда эса дўстларининг уйига келиб, сухбат куран эди.

Нихоят, Фаргона водийсида хам сиёсат танглашиб, Афғонистонга ўтиб кетишга мажбур бўлади. Бу - 1930 йилларнинг бошланиши эди. Сайид Махмудхон Афғонистондан муборак хаж сафарига бориб, хаж амалларини бажаргач, Хиндистонга келади ва Бомбайнинг мусулмонлар махалласида муким туриб колади. У шаҳардаги махаллий масжидлардан бирига имом-хатиб этиб тайинланади. Шу тарзда Бомбайдага ўн йил истикомат килиб етук -тасаввуфшунос олим ва мухаддис бўлиб танилади, катта обру козонади. Ушбу йиллар шеърий машклар хам кила бошлайди.

Сайид Махмуд Тарозий Бомбайдага Куръони каримни туркийнинг «ўзбекча лахжаси»га агадарган биринчи таржимондир. Карочи, Лохур, Лакнав, Мултон каби мусулмонлар яшайдиган шаҳарларда «Тўра соҳиб», кейинчалик «Олтинхон тўра» тахаллуси билан машхур бўлиб кетади. Ўша йиллардан бошлаб араб ва ўзбек тилларида газаллар, кўпроқ мусаддаслар ёзади. Карочидаги «Таржимони афкор» уюшмасининг раҳбари Аъзам Хошимий харакати билан унинг мусаддаслари ва шеърлар тўплами 1953 йили биринчи марта «Мусаддасоти Махмудия» номи билан нашр этилади. Ушбу тўпламнинг

Муаллиф:
12.02.2014 08:05 -

сўзбошисида айтилишича, «Сайид Махмуд Тарозий хазратлари учун таърифга хожат йукдур. Илму одоб соҳасидаги макомлари барчага аёндур».

Хиндистонда бошланган ва Покистон давлатининг ташкил топиши билан тугалланган харбий-сиёсий нотинчилклар мухожирлар, жумладан, Сайид Махмудхон Тарозий -Олтинхон тўранинг хам оромини бузади ва ниҳоят, у Саудия Арабистонига келиб ўрнашади.

Олтинхон тўранинг 40 йилдан ортик давом этган сўнгги илмий-исломий ва адабий-маърифий фаолияти мукаддас шахарлар — Маккаи мукаррама ва Мадинаи мунаавварада кечди. Асосий асарлари шу ерда яратилди ва улар туфайли катта обрў-эътибор козонди.

Дастлаб Маккада хусусий мактаб очиб, ватандошларимиз болаларига, шунингдек, махаллийларга хам дарс бера бошлайди. Ўшанда унинг кенг камровли олим экани Арабистонда хам маълум бўлиб, хукумат томонидан Харами шарифда дарс беришга таклиф килинади. У кишининг олимлик истеъоди, классик араб тилини чукур билиши, нотикилиги хакидаги хабар Саудия Арабистони подшохигача етиб боради. У зотнинг олимлик фаолиятини эътиборга олиб, Харамга мударрисликка тайинлайди ва бир неча йил мана шу мартабали лавозимда хизмат килади.

Сайид Махмудхон Тарозий, юртдошларимизнинг эътироф килишларича, мухожирларнинг хакикий маънавий суюнчиги эди. Хамюртларининг мусоғир юртда бирон хаётий муаммоси бўлса, у киши подшох ёки шахар амири кабулигача бемалол кириб, арз ва илтимос кила оладиган даражада обрў козонган эди.

Домла Тарозий арабчани билмайдиган туркийзабон халкларга исломга оид илмий ва одоб-ахлокда доир манбалар билан уларни ошно килиш ва охир-окибат бундай асарлар уларнинг севимли китоби бўлиб колиши хакида кўпроқ ўйларди.

Шу максадда мусулмон оламида машхур бўлган ва тарбиявий ахамиятга молик баъзи асарларни ўзбек тилига таржима килади, уларни Ватанга юбориш йулларини кидиради. Айрим асарлари Ўзбекистонгача етиб келади. Бунинг натижасида олим биздаги даҳрийлик тузуми окибатида халкларимиз хаётида пайдо бўлган маънавий бўшликни бироз бўлса-да, тўлгазишига хисса кўшади. Китобларни арабчадан таржима килар экан, уларни мухим изохлар ва зарур шархлар билан тўлдиради. Алишер Навоий, Абдурахмон Жомийнинг 40 хадис хакидаги форсча рисоласини изоҳ ва шархлар билан рубоий шаклида ўзбекчага таржима килиб, натижада «Арбаъин» номли мустакил асар яратгани каби, Олтинхон тўра хам тарбияга доир айрим арабий асарларни ўзбек тилига таржима килиб ва муфассал шархлар билан нашр эттириб, мустакил асарлар яратади.

Чунончи, «Риёз ас-солихин» китоби, гарчи шархлар билан килинган таржима бўлса хам Олтинхон тўранинг мухим асари хисобланади. У кишининг Куръони каримнинг изохлар билан килган таржимаси эса ўзбек тилига килинган биринчи таржимадир. Тўра Соҳиб Хиндистонда эканидаёк бу машаккатли ишни бошлаб, ўн йил меҳнат килган. Ушбу таржима аввал Хиндистон, сўнгра Покистонда, 1980 йили Саудия Арабистонида учинчи марта нашр килинди. Олимнинг «Нур ул-басар» (Пайгамбаримиз хакида) асари хам мухим тадқикот бўлиб, 1964 йили Карочида, 1982 йили Мадинаи мунаавварада нашр этилди ва ўша йиллариёқ хуфя тарзда бўлса хам Ўрта Осиё республикаларида хам таркалди.

Булардан ташкари, Расулуллоҳ хаёти, баъзи исломий коидалар хакидаги асарлари хам мавжуд.

Хаммаси бўлиб, хозирда олимнинг 20 га якин асари аникланган. Улардан «Девони касоиди Махмудия» асарида или ва одоб, она-Ватан хакидаги касида ва назмлар

Муаллиф:
12.02.2014 08:05 -

жамланган. Карочида босилган «Мусаддасоти Махмудия» китобчасида Ватан ва унинг озодлиги хакида ёзилган жозибали мусаддаслари жам килинган. Улардан айрим парчалар келтирамиз:

«Замзамаи озодий» мусаддасидан:

... Кани хорижга чиккан раҳнамолар, марду, майдонлар?
Мужоҳидлар, мудаббирзода туркистонлик ўглонлар?
На бўлди ул Ватан йулида берган аҳду паймонлар?
Жўнар соатда кўздин оқизилган бебаҳо конлар?
Колур токай асири фирмаки илход Туркистон,
Илохи, кил карам, лутфингдин ўлсин шод Туркистон.

«Шамоили Мухаммадия» асарининг таржимасига багишланган мухаммас-касидадан:

Муҳожирлар, ўқинглар, бир китоби муҳтасардир бу,
Набий авсоғидин сизларга тўпланган гуҳардир бу,
Асалдан хам асалдир бу, шакардин хам шакардир бу,
ўқилсин, хар даму кулфат учун даф асадир бу.
Муқаммал нахшан ул ҳазрати ҳайр ул-башардир бу.

«Риёз ус-солихин»га багишланган касидадан:

Ассалом, эй ахли миллат, марҳабо, эй ахли дин.
Уммати маҳбуби Аҳмад, раҳмати руий замин,
Пайрави Куръон ва Суннат ҳайрул мурсалин,
Сизлар-а бўлсин муборак муждаи жон оғарин.
Мехрибон бўлди муҳожирларга раббил оламин,
Лутфидин бўлди мутаржим бу Риёз ус-солихин.

Олмонияда чиккан «Миллий Туркистон», Мисрда чиккан арабча «Савт ат-Туркистон» ва туркча «Озод Туркистон», шунингдек, Покистонда чиккан «Таржимони афкор» ва Истамбулда чиккан «Туркистон» журналларида Олтинхон тўранинг Ватан мадхига багишланган маколалари ва газаллари муттасил босилиб турган. Уларда муаллиф Ватан озодлиги, истиколи учун барча ватандошларни бирдамликка чакиради, она-юрт ишқида куйиб ёнади, унинг гўзалликларини куйлади. Домла Тарозий бир маколасида шундай деб ёзади: «... Руся ила Чин ўртасида мустакил Туркистон давлати шартдир...
Иншооллоҳ, бир кун келажак, Туркистонимиз миллий мустакиллигини олажак». Бу гаплар 1975 йили ёзилган. Бизнинг кунларда унинг ушбу гаплари худди башоратта ўхшайди. Вакти келиб, устознинг барча маколаларини тўплаб, мустабид тузумдан озод бўлган ҳалкимизга хадя этадиган кунлар насиб килади, деган умиддамиз.
Ватандошларнинг эътироф этишларича, Олтинхон тўра Саудия Арабистонида яшовчи туркистонликларнинг маънавий раҳбари эди. Бу ёруг кунларга етиб келгунча Олтинхон тўрага ўхшаш не-не мунаввар ватандошларимиз, юртдан ташкарида бўлса хам Ватан озодлиги йулида заҳмат чекдилар, она юрт фирокида куйиб ёндилар. Олтинхон тўра бир гурух хаммаслаклари билан биргаликда Туркистондаги оғир меҳнат шароити, пахта

Муаллиф:

12.02.2014 08:05 -

яккахокимлиги туфайли унга сепилган захарли моддалардан турли касалликлар таркалаётгани хакида, умуман юртимизнинг умумжахон тараккиётидан оркада колаётгани хакида Саудия Арабистони ва бошка чет эл матбуотида, турли радио тулкинларда чикишлар килиб турган.

«Улуг Октябр инкилоби» деб аталган 1917 йилдаги давлат тўнтаришининг 40 йиллиги муносабати билан 1956 йилдан СССРда бошланган кенг таргигот-ташвикот ишларига жавобан, бу найрангларни фош килувчи чикишларга Олтинхон тўра бошчилик килган.

«Таржимони афкор» журналининг мухаррири Аъзам Хошимий: «Бу зот мухожирларимиз таржимонлиги соҳасида ўз вазифасини бажарган бир миллатпарвар ва ватанпарвардир», — деб ёзган эди.

Мана бу воеа хам гоятда эътиборлидир: маълумки, 1953 йили март ойида Сталин вафот килди. Шу муносабат билан «Отамиз ўлди» деб кўз ёшлари тўкиб юрилган чогда Олтинхон тўра ташвикоти билан Саудия Арабистонидаги ватандошлар хурсандчилик митинги уюстиришган. Ўшанда Тура соҳиб Сталин хакида танкидий мусаддас ёзган ва тўпланганларга ўқиб берган.- Биз «Мусаддасоти Махмудия» рисоласида босилган бир юз йигирма байтдан иборат ушбу мусаддасни тўлалигича келтирамиз. Зоро, газал шафкатсиз тузумни фош килувчи нодир шеърий асардир.

Ситамкор Сталин

«Ситамкор Сталин Туркистон ва бошка турк ўлкаларнинг хуррият ва истиклолларини махв ва мункариз айлаб, у мамлакатлар мусулмонларининг керак диний, керак миллий анъаналарини поймол этмокка жони борича тиришган кечирилмас душмандир. Унинг даврини нихоят даҳшатли террор даври деб карор берилган».

Тарк айлади дунёни ситам кор Сталин,
Фиръавни замон — золим-у хункор Сталин,
Оlamдаги динсизлара сардор Сталин,
Ер юзида бемисли дилозор Сталин,
Тадбири жаҳон фикрида хушёр Сталин,
Колди бу ўлим илгига начор Сталин.

Фикр этмади - йук эрди бу дунёни бакоси.
Колмас эди оламни шаханшох.-У гадоси,
Золимлар учун бор эрди Тангрининг балоси,
Дер эрди: «худо йўк», кўринг — ўлдурди худоси.
Тадбири жаҳон фикрида хушёр Сталин,
Колди бу ўлим илгига начор Сталин.

Нолишда эди зулм ила кўп хаста жигарлар,
Хар лахза мусулмонлара хар турли хатарлар,
Пайваста ўтар эрди фигон бирла сахарлар,
Шак йўкки, дуоларда бўлур бўйла асарлар,
Тадбири жаҳон фикрида хушёр Сталин,
Колди бу ўлим илгига начор Сталин.

Муаллиф:
12.02.2014 08:05 -

Масжидлари майхона килиб эрди бу малъун,
Дер эрди киши сўзласа дин бобида - мажнун.
Динсизлар анинг чун эди ул гумроҳ мафтун,
Дин душмани бу лахза вафоти ила маҳзун.
Тадбири жаҳон фикрида хушёр Сталин,
Колди бу ўлим илгида ночор Сталин.

Шод ўлди жаҳон - душмани ислом йикилди,
Ахлоқи ёмон кофири бадном йикилди,
Озори ила шаҳраъи айём йикилди,
Сайёд ситамгар кетиб дом йикилди.
Тадбири жаҳон фикрида хушёр Сталин,
Колди бу ўлим илгида ночор Сталин.

Мотамда бу кун куфри ҳароб ўлди панохи.
Ҳак даргохина етди ситам дийдалар охи,
Динсизлара юзланди ажаб баҳти сиёҳи,
Махв айлади душманни Мухаммадни Илоҳи.
Тадбири жаҳон фикрида хушёр Сталин,
Колди бу ўлим илгида ночор Сталин.

Бу ходисадин ибрат олурмиз уммолар.
Дин душманига Ҳак юборур бўйла балолар,
Куткармади жонини дувалар-у ҳукамолар,
Суд этмади ул аслаҳалар, жони фидолар,
Тадбири жаҳон фикрида хушёр Сталин,
Колди бу ўлим илгида ночор Сталин.

Кўркитмиш эди кунбуласи бирла жаҳонни,
Тукмиш эди конларни, бузиб амни омонни,
Маръуби килиб эрди замин ила замонни,
Топширди бу кун моликина жисми-да жонни
Тадбири жаҳон фикрида хушёр Сталин,
Колди бу ўлим илгида ночор Сталин.

Кўрдингми худони, эй, худосизлар отоси?
Наф этдими дардингга ҳакимлар давоси?
Охирда керак булдими бу ҳалқ дуоси?
Бок тўлгуси жисминг-ла жаҳаннамни фазоси!
Тадбири жаҳон фикрида хушёр Сталин,
Колди бу ўлим илгида ночор Сталин.

Оз кунда худо хоҳласа мулкингни очармиз.
Кабрингга бу мазлумлар ўтларин сочармиз,
Фўлад худудингдин аёг ила кечармиз,
Махбуб Ватан кўксига замзамлар ичармиз,

Тадбири жаҳон фикрида хушёр Сталин,
Колди бу ўлим илгига ночор Сталин.

Ёраб, сенга ҳамд, дил озор ўлибдур,
Бизларга ситам килгучи бадкор ўлибдур,
Макр ила жаҳон олгучи гаддор ўлибдур,
Кон тўккучи, боскинчи жафокор ўлибдур,
Тадбири жаҳон фикрида хушёр Сталин,
Колди бу ўлим илгига ночор Сталин.

Эй, жабр ила-афгор Ватан! Сенга муборак,
Зулм остида ночор Ватан! Сенга муборак,
Душман кўлида хор Ватан! Сенга муборак,
Авлоди учун зор Ватан! Сенга муборак,
Тадбири жаҳон фикрида хушёр Сталин,
Колди бу ўлим илгига ночор Сталин.

Махв айлади Ҳак душмани хункоринги охир,
Эшитди худо нола ила зоринги охир,
Икбола мубаддал килур идборинги охир,
Махжурларинг кўргуси гулзоринги охир,
Тадбири жаҳон фикрида хушёр Сталин,
Колди бу ўлим илгига ночор Сталин.

Эй, кавм, келинг фатхга тайёр бўлайлик,
Гафлатни отиб оркага, бедор бўлайлик,
Бирлик ила ҳар лахза хабардор бўлайлик,
Жон ила-ю, мол ила хабардор бўлайлик,
Тадбири жаҳон фикрида хушёр Сталин,
Колди бу ўлим илгига ночор Сталин.

Душманларимиз оклари тайёр эрурлар,
Оқ дема, кизиллари каби гаддор эрурлар,
Ҳар иккиси дин душмани куффор эрурлар.
Бу кавм алардин ҳама безор эрурлар.
Тадбири жаҳон фикрида хушёр Сталин,
Колди бу ўлим илгига ночор Сталин.

Биз эмди, сано Ҳаккаки, танпарвар эмасмиз,
Бемарказ эмасмиз, яна беражбар эмасмиз.
Бор давлатимиз, бирлигимиз, ахкар эмасмиз,
Бегоналар эҳсонига биз музтар эмасмиз,
Тадбири жаҳон фикрида хушёр Сталин,
Колди бу ўлим илгига ночор Сталин.

Эй, яхши Ватан кўксига бор ота-оналар,

Муаллиф:
12.02.2014 08:05 -

Сизларга муборак бу кун, эй, ини-огалар,
Биз мунда-ю, Сиз унда килинг Хакка дуолар,
Сизларни халос этмака хозир бу фидолар,
Тадбири жаҳон фикрида хушёр Сталин,
Колди бу ўлим илгида ночор Сталин.

Ёраб, сенгадур эрта-ю кеч арзи рижомиз,
Колсин бу жаҳон борича шоху умаромиз,
Сен молики оламсан-у биз барча гадомиз,
Хар лахза Худоё, сенгадур ушбу дуомиз,
Тадбири жаҳон фикрида хушёр Сталин,
Колди бу ўлим илгида ночор Сталин.

Эй, ёшлар, ўкинг, илм ила дунёни олурсиз,
Душман бошина турли балоларни солурсиз,
Гайратлар этинг, йук эса сиз сўнгда - колурсиз,
Беному нишон биз каби сиз хам йўколурсиз,
Тадбири жаҳон фикрида хушёр Сталин,
Колди бу ўлим илгида ночор Сталин.

Махмуд хазин кавмини курбони хамиша,
Илгида килич, кўксидা Куръони хамиша,
Бордир Ватанин фатхина иймони хамиша,
Хак бўлса мададкор, анга Раҳмони хамиша,
Тадбири жаҳон фикрида хушёр Сталин,
Колди бу ўлим илгида ночор Сталин.

Сайид Махмуд Тарозий-Олтинхон тўра ўзидан анчагина илмий ва адабий мерос колдириди. Бирок илмий меросининг адади хамон тўла аникланмаган. Хозирча биз аниклаган айrim асарларининг номларини келтирамиз. Олимнинг илмий ва таржима ишларининг номлари арабча бўлса хам барчаси узбек тилида ёзилган. Бизга хозирча унинг куйидаги асарлари маълум:

- 1-Куръони каримнинг таржимаси ва тафсири (Покистон, Хиндистон ва Саудия Арабистонида нашр килинган.)
- 2.«Нур ул-басар фи сийрати хайр ул-башар» (Пайгамбаримиз (с, а. в.) хаёт йуллари). 1964 йили Покистонда ва 1982 йили Саудия Арабистонида нашр килинган.
- 3.Имом Абу Закариё ан-Нававийнинг «Риёз ус-солихин» («Солих кишилар бўстони») номли турт жилдли асарининг шархлари, лугати ва таржимаси. 1964 йили Покистонда ва 1982 йили Саудия Арабистонида нашр килинган.
4. «Фазой и ул-вуруд ва ало саййид ул-вужуд» (Пайгамбаримиз (с.а.в.)нинг намоз ўкишлари хакида).
- 5.«Акоид ул-ислом» («Ислом дини ақидалари»). Муаллифнинг вафоти арафасида босмадан чиккан (1991).
- 6.«Хизб ул-аъзам» (Улуг ва мўътабар коида ва низомлар).Ўгитлар тўплами.
7. Абу Ханифа ан-Нуъмон ибн Собитнинг «ал-Фикх ал-Акбар» (Шариат коидалари

Муаллиф:
12.02.2014 08:05 -

туплами) асарининг шархли
таржимаси.

8.Имом ат-Таховийнинг «Ақидаи Таховий» («Таховий ақидалари») асарига манзума ва
шарх- Бу асар Покистон,Хиндистон ва Саудия Арабистонида нашр килиниб, кенг
таркалган.

9.«Девони касоиди Махмудия» (Илм ва одоб хакида ўзлари ёзган касида ва назмлар
тўплами). Турли шахарларда килинган ваъзлар ва айрим сафар таассуротлари хам ушбу
тупламга киритилган.

10. Абу Исо ат-Термизийнинг «Шамоили Мухаммадия» асарининг шархланган
таржимаси. Таржимон суз бошида ёзишича, Пайгамбаримиз (с.а.в.) сифатлари хакида
ривоят килинган сахобаларнинг номлари аникланган. Бундан ташкари, ушбу асар
киммати хакида маҳсус мусаддас хам ёзган (муаллифнинг ушбу асари 1991 йили
Тошкентда хам нашр килинган).

11. «Китоб ал-хаж» — Муборак хаж сафари коидалари хакида. Асар 1993 йили
Тошкентда хам нашр килинган.

12. «Ёсин» сурасининг таржимаси ва шархи (кўлёзма).

13. «Аъмма» сураси таржимаси Карочи, 1951.

14. «Мусаддасоти Махмудия», Карочи, 1953.

15.Саудия Арабистони ва бошка мамлакатлар матбуотида турли йиллари босилган
маколалар ва шеърлар. Шунингдек, араб тилида ёзилган куплаб маколалари ва
шеърлари хам бордирки, уларни излаб топиш анча мушкулдир.

Биз уюштирган сухбатларда айтишларича, матбуотдаги чикишларида Олтинхон тўра
Туркистоннинг озодлиги ва истиколи учун барча ватандошларни бирдамликка
чакиради, Ватан, она юрти ишқида куйиб ёнади ва унинг гузалликларини мадх этади.
У кишидан бир канча фарзандлар колди. Биринчи. рузгоридан Саидахон исмли кизи ва
угли Мухаммаджон хожи Янгийулда истикомат киладилар. Отадан бир ярим яшар колган
бу кизи 1991 йили хаж сафарига бориб, отаси билан куришди-ю, аммо гаплашишга
муюссар бўлолмади: ота узок нотобликдан бехуш ётган эдилар (кизи хаж амалларини
бажариб юрган кунлари Олтинхон тура казо килдилар. Эшитишимизча, Саидахон хам
1999 йили Янгийулда вафот килган).

Олтинхон турунинг кейинги рузгоридан Абдулкодирхон, Мунаввар кори, Усмонхон каби
угиллари хозирда Саудия Арабистонида истикомат киладилар. Улар, гарчи ота юртини
кўрмаган булсалар хам Туркистонни доимо ёдда саклаб яшамокдалар. Угли Мунаввар
кори билан Маккада биз кўп сухбатлашдик.

Олтинхон тўра Ватан мустакиллиги эълон килинишидан атига икки ой илгари — 1991
йил 26 июнь куни вафот килдилар. 1995 йил ноябрь ойида тугилган юрти Жамбул
шахрида у зотнинг 100 йиллик юбилейига багишланган тантаналар ўтказилди.

Бухорийлар киссаси китобидан. Сайфиддин Жалилов